O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 29-aprel • Seshanba • 54 (27.859) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Бугун пойтахтимиздаги М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиалида 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИНИНГ НУКУС ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоқ халқининг бетакрор санъати ва маданиятини янада равнақ топтириш, истеъдодли ёшларни миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналари руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилият ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, замонавий театр ва кино, телевидение ва радио йўналишлари бўйича юқори малакали актёрлар ва санъатшунослик соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1.Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали (кейинги ўринларда Нукус филиали деб юритилади) ташкил этилсин.

2.Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Нукус филиалининг ўқув биноси ва аудиторияларини санъат соҳасига хос ўқув-ижодий жараёнларнинг алоҳида талаблари асосида реконструкция қилиш ва таъмирлаш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилгани ҳамда ушбу ўқув даргоҳини Нукус шаҳри, Ҳурлиман қиз бахши кўчаси, 37-уйга жойлаштириши ҳақидаги таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

3.Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир ой муддатда Нукус филиалининг ташкилий тузилмаси ва Низомини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4.Нукус филиалида 2008-2009 ўқув йили учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича жами 25 та — шундан 10 таси давлат грантлари ва 15 таси эса тўлов-контракт асосида — қабул квоталари белгилансин. Ушбу квоталар «Актёрлик санъати» таълим йўналишига — 15 та (6 та давлат гранти ва 9 та тўлов-контракт асосида) ва «Санъатшунослик» таълим йўналишига — 10 та (4 та давлат гранти ва 6 та тўлов-контракт асосида) миқдорида тақсимланиб, таълим жараёни қорақалпоқ тилида олиб борилиши белгилаб қўйилсин.

Келгуси йиллар учун қабул квоталари мазкур соҳа мутахассисларига бўлган реал талаб-эҳтиёж ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилсин.

5.Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда:

2008 йил 1 сентябридан эътиборан Нукус филиалининг фаолияти ва ўқув жараёнини тўлақонли ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

белгиланган давлат таълим стандартлари ва таълим йўналишларига мувофиқ, филиални ўқув дастурлари ва режалари ҳамда дарсликлар, ўқув адабиётлари, шунингдек, ўқув-услубий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминласин;

ўқув биноси ва аудиторияларни, маҳорат синфлари, студиялар ва бошқа зарур хоналарни замонавий компьютер ва асбоб-ускуналар ҳамда махсус лаборатория анжомлари билан жиҳозласин;

Нукус филиали профессор-ўқитувчилар таркибини етук илмий-педагог кадрлар билан таъминлаш, Қорақалпоғистон Республикасининг санъат соҳасидаги етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритаётган, юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни филиал ўқув жараёнига жалб этиш, шунингдек, ушбу даргоҳларда филиал учун мунтазам равишда ёш илмий-педагог кадрлар тайёрлаб бориш бўйича ташкилий-амалий ишларни йўлга қўйсин.

6.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Нукус филиали фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағларни ажратсин;

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2008 йилги тегишли харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2008 йил 28 апрель*



Суратда: *олимпиада иштирокчилари Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш маросимида.*

## ЁШЛАР МАМЛАКАТИДА — ЁШ ИҚТИДОРЛАР СИНОВИ

Тарих сабоқларидан маълумки, ҳар бир давлатнинг тараққиёти, куч-қудрати таълим соҳасига бераётган эътибори, ёш иқтидорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, яратаётган шароитларига боғлиқ бўлади. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар, тўпланган тажрибаларни ривожланган мамлакатлар фан ва давлат арбоблари ҳам эътироф этишмоқда. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоизни ташкил этмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай кўрсаткич дунёнинг камдан кам мамлакатида кузатилади.

Мустақиллик йилларида ёшлар таълим-тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бунинг ёрқин исботи сифатида Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишларни келтиришнинг ўзи кифоя. Масалан, ўтган 2007 йилда 336 минг ўқувчига мўлжалланган 558 та умумтаълим мактаби, 170 та болалар спорти объекти ишга туширилган...

Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, кейинги йиллар давомида юзлаб мактаб ўқувчиларимиз жаҳон миқёсидаги олимпиадаларда иштирок этиб, 135 та медални қўлга киритишган. Уларнинг 20 таси олтин, 48 таси кумуш, 67 таси эса бронза медалидир.

4-бет

## ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Пойтахтимиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Энергетика Марказий Осиё иқтисодий хавфсизлигининг омили сифатида» мавзуидаги халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Сиёсий тадқиқотлар маркази ва ушбу университет томонидан ташкил этилди.**

Унда Марказий Осиё, Шимоли-шарқий ва Жанубий Осиё, Европа мамлакатлари, Америка ва Россиядан халқаро экспертлар иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида энергетика хавфсизлигини кучайтириш, энергетика салоҳиятини ошириш ва ушбу соҳада ҳар томонлама халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу ўз навбатида, Марказий Осиёда минтақавий барқарорлик ва иқтисодий хавфсизликнинг муҳим омилига айланмоқда.

Жаҳон энергетика бозори ва иқтисодий хавфсизлик барқарорлигини таъминлаш муаммоси глобал хусусиятга эга. Бугунги кунда углеводород ва уран хомашёси қазиб олишни ва унинг захирасини кўпайтириш, уларни узоқ муддат етказиб бериш истиқболлари ва нарх-наво сиёсати турли халқаро ҳамда давлатлараро даражада муҳокама этилмоқда. Бу борада Марказий Осиё давлатлари, уларнинг жаҳонда йирик нефть, газ, уран, кўмир, электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар, шу билан бирга, истеъмолчилари ҳисобланган Россия, Хитой, Европа Иттифоқи мамлакатлари каби минтақавий ҳамкорлари ҳам бундан мустасно эмас.

Бу ерда ўтган баҳс-мунозаралар давомида Марказий Осиё ичида ҳамда минтақа давлатлари, хорижий истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва транзитчилар ўртасида энергетика ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари бўйича эркин фикр алмашилди.

Энергетика-ресурс салоҳиятига бой бўлган Марказий Осиё давлатлари ва умуман ушбу минтақа ҳозирги кунда жаҳонда энергетика соҳасида кечаётган геосиёсий ва геостратегик жараёнларнинг тобора фаол иштирокчисига айланмоқда. Бу масала турли даражада экспертлар томонидан кенг муҳокама этилмоқда.

Учрашувда сиёсат ва иқтисодиётда энергетика омилининг муҳим ўрни, Марказий Осиё энергетика салоҳиятининг дунё ривожланишидаги аҳамияти, энергия ресурсларини Марказий Осиёдан транспортировка қилишнинг жорий ва истиқболдаги йўналишлари, манфаатдор мамлакатлар позицияси ва ёндашувлари каби кенг кўламли долзарб масалалар кўриб чиқилди. Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасининг инвестициявий жозибадорлиги, атроф-муҳит хавфсизлиги, қайта тикланаётган энергия манбаларини ривожлантириш, нефть-газ экспорт қиладиган мамлакатларнинг энергия ресурслари истеъмолчилари билан халқаро ҳамкорлиги каби мавзулар ҳам муҳокама этилди. Мутахассислар инсон омилига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ушбу минтақада яшаётган одамлар, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш устувор масала эканини қайд этди.

Тадбирда сўзга чиққан Р.Маҳмудов, С.Рустамов (Ўзбекистон), Ш.Акинер (Буюк Британия), М.Олкотт (АҚШ), С.Лузянин (Россия), Чэнь Цзецзюнь (Хитой), Б.Султонов (Қозоғистон) ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

**В.НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири**

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.**

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишда қонунларга риоя қилиниши, бу борадаги прокурор назорати, шунингдек, диний экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ қонунларнинг ижро этилиши аҳволи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда кўриб чиқиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани эътироф этилиши билан бирга, бу тоифадаги мурожаатларни ҳал этишда жиноятларни ҳисобдан яшириш ва бошқа жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилишининг сабаблари ва шарт-шароитларига алоҳида эътибор қаратилган. Бундай нуқсонларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўриш, бу йўналишда прокурорлик ва идоравий назоратни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан диний экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишлари олдини олиш ва уларга қарши курашиш билан боғлиқ қонунларга риоя этилишига оид масала муҳокамаси чоғида бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ўзининг муайян самарасини бераётгани қайд этилди.

Шу билан бирга, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, бу турдаги жиноятларга қарши кураш борасидаги иш услубини янада такомиллаштириш, диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва уларни тузалиш йўлига солиш бўйича мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш ҳамда бу соҳадаги прокурор назоратини янада кучайтириш ҳақида тўхталиб ўтилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

*Тошкент давлат юридик институтида «Ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳаларининг ҳуқуқий масалалари» мавзуида ёш тадқиқотчиларнинг иккинчи республика илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Унда талабалар, ахборот хавфсизлиги масалаларига алоқадор ташкилот ва идораларнинг мутахассислари, олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этдилар.*

## Талаба-тадқиқотчилар анжумани

Бугун жаҳон ҳамжамияти олдида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқий тартибга солиш ўта долзарб масала бўлиб турибди. Ахборот технологиялари соҳасига оид ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш, миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳаётимиз ҳатто руҳиятимизга кириб келаётган интернет, компьютер технологиялари орқали нафақат зиё тарқатилаяпти, балки айрим ҳуқуқбузарликлар, ахборот хуружлари содир этилаяпти. Ушбу муаммолар ёш тадқиқотчиларнинг қизғин муҳокамасида бўлди.

— Анжумандаги илмий мунозаралар ахборот технологиялари воситасида содир этилаётган жиноятларни ўрганиш, ахборот ҳуқуқи объектлари, шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари, электрон ахборот алмашуви, интернет муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга оид долзарб масалаларга қаратилди, — дейди институтнинг кафедра мудири Акрамжон Каримов.

Анжуман доирасида ТДЮИ иқтидорли талабалари томонидан тайёрланган рисолаларнинг тақдимоти ҳам ўтказилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДПда сиёсий ва фуқоролик маърифати

## ОАВ ВА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат фаолият юритиши дастурий ғояларни тарғиб қилиш, электорат манфаатини ифода этишда муҳим аҳамиятга эга, дея таъкидланди ЎзХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатида

**Бугун оммавий ахборот воситалари билан ишлаш, матбуот, телевидение, радио ва интернетдан фойдаланиш сиёсий партиялар фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Партия ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, дастурий мақсадларини амалга ошириш учун нималар қилаётгани, режалари ҳақида жамиятни хабардор қилиш, жамоатчилик ва электорат билан алоқалар ўрнатишда ОАВ имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳар бир сиёсий партия учун ҳаводек зарур. Бевосита ушбу масалаларга бағишланган тадбир давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ОАВ билан иш олиб бориш жараёни, уни такомиллаштириш, тегишли вазифаларни белгилаш хусусида атрофлича фикр юритилди.**



**Давра суҳбатида партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, ЎзХДП Тошкент вилоят ва шаҳар ташкилотлари вакиллари, экспертлар, ОАВ ходимлари, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари фаоллари иштирок этдилар.**

2-бет

